Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти КУТУБХОНАСИ

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 28 июль, № 147 (6330) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27 июль куни Оқсаройда АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони Ллойд Остинни қабул қилди.





Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги ўзаро манфаатларга асосланган муносабатлар амалий хусусиятга эга эканини таъкидлади.

Турли даража ва йўналишларда-ги доимий мулоқотлар Ўзбекистон ва АҚШга кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил ривожлантириш имкониятини бераётгани қайд этилди.

Учрашувда айрим халқаро муаммолар, жумладан, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди, Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш жараёнлари хусусида фикр алмашилди.

Ллойд Остин Президент Ислом Каримовга самимий қабул ва Ўзбекистон — АҚШ муносабатларининг бугунги ҳолати ва ривожлантириш истиқболларини атрофлича муҳокама этиш имконияти яратилгани учун миннатдорлик билдирди.

ЎзА.

Аъло АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Яқинда Польшанинг Воломин шаҳрида жойлашган "Ҳунармандлар ва зироатчилар кооператив банки" мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси сармоявий салоҳиятининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз сармоявий салоҳиятининг Польшадаги эътирофи

Воломин тумани (Повят) маъмурияти ва юртимизнинг Варшавадаги элчихонаси ҳамкорлигида уюштирилган мазкур маросимда ушбу туман бурмистрлари, шаҳар кўринишидаги қишлоқлар раҳбарлари ва фаоллари қатнашди.

Воломин тумани 1999 йили Польшада ўтказилган маъмурий ислоҳот натижасида таъсис этилган. У 7 та шаҳар, 5 та шаҳар кўринишидаги қишлоқдан таркиб топган. Умумий майдони 955,37 квадрат километрдан иборат мазкур туманда 230 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

Тақдимотда иштирокчилар мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига доир маълумотлар билан яқиндан таништирилди. Шунингдек, Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий тармоқлари, республикамизда яратилган қулай инвестициявий муҳит, хорижлик сармоядорлар учун тақдим этилаётган имтиёз ҳамда кафолатлар хусусидаги муҳим ахборотлар ҳам тадбир қатнашчилари эътиборига ҳавола қилинди. "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва "Ангрен" ҳамда "Жиззах" махсус индустриал зоналарида инвестициявий лойиҳаларни ўзаро ҳамкорликда ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ масалалар бўйича атрофлича фикр юритилди.

Тадбирда Воломин тумани фаоллари савдо-иқтисодий, сармоявий, сайёҳлик, маданий-маърифий ва илмий соҳаларда ўзбекистонлик шериклар билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатилиши ҳамда ривожланишидан манфаатдорлик билдиришди.

Маросимда сўзга чиққан **Польша "Ҳунармандлар ва зироатчилар кооператив банки" бошқаруви раиси Я. Вайно** Ўзбекистон улкан иқтисодий салоҳиятга эга эканлигини эътироф этди. У Польша — Ўзбекистон қўшма лойиҳаларини молиялаштириш борасида мамлакатимиз банклари билан ҳамкорлик ўрнатишга тайёр эканлигини билдирди.

Ўз навбатида, **Воломин тумани етакчиси К. Раковски** ўзи раҳбарлик қилаётган ҳудуднинг иқтисодий имкониятларига тўхталар экан, савдо-иқтисодий, инвестициявий, сайёҳлик ҳамда илмий йўналишларда юртимиз билан ҳамкорликни ривожлантириш ва кўламини кенгайтириш зарурлигини алоҳида қайд этди.

Польшанинг Кобивка шаҳри маъмурияти раҳбари Р. Рогуский Ўзбекистон улкан иқтисодий салоҳиятга эга эканини таъкидлаб, республикамизда хорижлик сармоядорлар учун қулай шарт-шароит ва жозибадор бизнес муҳити яратилганини ижобий баҳолади. Шунингдек, у тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатиш, ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун Польшага ўзбек тадбиркорларининг сафарини уюштиришни таклиф қилди.

«Жаҳон» АА.
Варшава

Қисқа *сатрларда*

• Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан "Фарзандлик бурчим" лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар ходимлари қатнашди.

• **Чирчиқ шаҳрида "Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси" республика танловининг "Йилнинг энг фаол ёш кимёгари" номинацияси бўйича мамлакат босқичи бўлиб ўтди. Унда "Фарғонаазот" акциядорлик жамияти техник бўлимининг етакчи мутахассиси Шуҳрат Раҳмонов биринчи, "Максам-Чирчиқ" акциядорлик жамияти иссиқлик энергетика бўлими ходими Акмал Азаматов иккинчи, "Қўнғирот сода заводи" унитар корхонаси бош муҳандиси ўринбосари Алишер Маматхўжаев учинчи ўринга лойиқ топилди.**

• Термизда "Ўтан полвон" хусусий диагностика ва даволаш маркази иш бошлади. Муассаса 1 миллион 930 минг долларлик энг замонавий магнит резонансли томограф, мультиспиралли компьютер томографи, рақамли рентген, маммограф ва УЗИ аппаратлари билан жиҳозланган. Яқин кунларда бу ерга ЭКГ, ЭЭГ, эндоскопия ва холтер мониторлари ҳам ўрнатилади.

• **Бухорода Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остида аёллар спорт фестивали ташкил этилди. Унда "Энг ёш иштирокчи", "Энг ёши катта иштирокчи", "Энг маҳоратли иштирокчи", "Энг интилувчан иштирокчи" каби номинациялар бўйича ғолиблар аниқланиб, муносиб рағбатлантирилди.**

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Долзарб вазифалар муҳокамасига бағишланди

Жойларда жорий йилнинг биринчи ярмида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2015 — 2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий қайта ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурларини амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга бағишланган фаоллар йиғилишлари бўлиб ўтмоқда.

■ ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Вилоят ҳокими О. Ашурматов бошқарган йиғилишда иқтисодиётда яратилган қулай шарт-шароитлар туфайли 2015 йилнинг ўтган олти ойи давомида ялпи ҳудудий маҳсулот ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4,4 фоиз ошгани таъкидланди.

Жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўтган йилдагига нисбатан 107,4 фоиз ўсиши таъминланди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 105,9, қурилиш-пудрат ишлари 101,5, чакана товар айланмаси 119,5, жами хизматлар 116,5, экспорт ҳажми 87,3 фоиздан иборат бўлди. Натижада ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 65, хизматлар улуши эса 41,3 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида ҳудудда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналар ҳиссаси тобора ортиб бораётгани хусусида ҳам сўз юритилди. Жумладан, бундай корхоналар сони 66 тага етгани ҳамда улар томонидан қарийб 162,4 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлангани бунинг тасдиғидир.

Шунингдек, вилоятда 91 саноат корхонаси ташкил этилди ва уларнинг сони 1113 та етди, шундан 17 таси йирик ишлаб чиқариш субъектидир. Муҳими, ана шу корхоналарда 649,7 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари тайёрланди.

Йиғилишда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий муассасаларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш, 2015 — 2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурини амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш борасидаги масалалар юзасидан тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Сирдарё вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розуқулов сўзга чиқди.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Вилоят ҳокими Т. Мамараимов бошқарган йиғилишда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида ҳисобот даврида 142,3 миллиард сўм ва 250 минг АҚШ доллари қийматидаги 857 лойиҳа амалга оширилиб, қарийб олти мингга яқин иш ўрни яратилгани алоҳида қайд этилди.

Ярим йиллик давомида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 9,8 фоиз кўпайди. Саноат маҳсулотлари тайёрлашда 10,3, қурилиш-пудрат ишларида 11,2, қишлоқ хўжалигида 20,5, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 12,3 фоиз ўсишга эришилди. Айни чоғда 102 та саноат корхонаси ишга туширилиб, 37 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, 746 кичик бизнес субъекти ташкил этилди. Пировардида уларнинг умумий сони 10 минг 757 тага етди. Эътиборлиси, хусусий сектор вакиллари томонидан жами 766,3 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, 671,6 миллиард сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди. 506,4 миллиард сўмлик пуллик хизматлар кўрсатилди. Уларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 300 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

(Давоми 2-бетда).

ГУРУР

Тупроғинг кўзимга тутиё, Ватан!

Таниқли шоиримиз "Римни алишмасман бедапоянгга", деб ёзган эди. Дарҳақиқат, юртимизнинг ҳар қарич ерида бир ҳикмат бор. Ҳар тошида минг тилсим муҳрланган. Демак, она-тупроғимизни кўзга суртсак, тўтиё қилсак, кучимизга куч бағишлайди. Бизни енгилмас қилади. Барча орзуларимиз ушалишига мадад беради.

Халчахон МИРЗАЕВА,
Ўзбекистон Қаҳрамони.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Жорий йилнинг олти ойида мамлакатимиз кичик бизнес субъектларига

6,4 триллион сўм миқдорида банк кредитлари ажратилди.

Шу давр ичида мазкур соҳа вакилларига янада эркинлик бериш, уларни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, молиявий қўллаб-қувватлаш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар туфайли ана шундай ижобий натижага эришилди.

Истиқлол саодати

Шу кунларда мамлакатимизда Ватанимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишлаб "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остида маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Жумладан, куни кеча Самарқанд вилоятида уюштирилган ана шундай тадбирларга пойтахтдан ёзувчи ва шоирлар, рассомлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари таклиф этилди.

■ ТАДБИР

Меҳмонлар вилоятда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишишди, жойларда аҳоли билан учрашиб, дилдан суҳбат қурди.

Пайариқ тумани марказида ўтказилган учрашувда иштирокчилар Пайариқ ва Челак шаҳрида кейинги икки йил ичида бунёд этилган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари, корхоналар, истироҳат боғларида аҳолининг дам олиши, ҳордиқ чиқариши учун яратилган қулайликлардан хабардор бўлди.

— Истиқлол бизга бахт-саодат берди, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Пайариқ тумани бўлинмаси раиси Сайдулла Бойзоқов. — Фикру тафаккуримиз янгиланди. Юртимиз озод ва обод масканга айланди. Нафақат шаҳарлар, балки қишлоқларимиз ҳам таниб бўлмас даражада чирой очиб бораётир.

Дарҳақиқат, туман марказидаги истироҳат боғида қаровсиз бино замонавий тарзда таъмирланиб, "Ёшлар маркази"га айлантирилди. Ҳозир бу ерда ўғил-қизларнинг илм олишлари, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун барча шарт-шароит муҳайё.

(Давоми 2-бетда).

КИЧИК БИЗНЕСГА КЕНГ ЙЎЛ



Бугун бутун мамлакатимизда бўлгани каби Хоразм вилояти иқтисодиётида ҳам юқори ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қаратилаётган эътибор муҳим омил бўлаётир. Ҳозир ҳудудда илғор технологиялар билан жиҳозланган 10 минг 168 та тадбиркорлик субъекти ички ва ташқи бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан таъминламоқда.

ИЗЛАНИШ

Энг муҳими, бугунги кунга келиб, вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотида хусусий сектор улуши 61,3 фоизга етиб, иш билан банд аҳолининг 81,6 фоизи айнан шу соҳада меҳнат қилаяпти. Уларнинг экспорт салоҳияти эса айни чоғда 41,9 фоизни ташкил этаётгани ҳам эътиборга молик.

Бундай натижага эришишда, албатта, мамлакатимизда тадбиркорлар учун қулай шарт-шароитлар яратилгани, уларнинг молиявий қўллаб-қувватланаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, шу йилнинг ўтган даврида тижорат банклари томонидан хусусий секторга 261,9 миллиард сўм ёки 2014 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 миллиард сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилди.

Урганч туманидаги "AFRI" хусусий корхонаси ҳам бу имкониятдан фойдаланиб, цехларини замонавий технологиялар билан таъминлади. Яхна ичимликлар, газланган ва газланмаган ичимлик сувлари ишлаб чиқарилаётган мазкур корхонада ҳозирги кунда 112 нафар йигит-қиз доимий иш билан банд.

Мавжуд қувватларнинг модернизация қилиниши маҳсулотлар тури ва ҳажмининг йилдан-йилга ортишини таъминлаяпти. Биргина мисол, 2014 йилда жами 5 миллиард 562 миллион сўмликдан ортиқ 18 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг олти ойида 4 миллиард 493 миллион сўмликдан ортиқ 27 турдаги маҳсулот тайёрланди. Айни чоғда жамоа юртимиздаги 900 дан зиёд савдо корхоналари билан ҳамкорлик қилмоқда.

— Бу муваффақиятларга изланиш ва ташаббускорлик туфайли эришаяпмиз, — дейди корхона раҳбари Илҳом Оллаберганов. — Масалан, бундан тўрт йил олдин пластмасса капсулалари ишлаб чиқарадиган янги линия ўрнатгандик. Натижада шу ернинг ўзида ичимлик суви қадоқланадиган 120 минг дона PIT капсула тайёрлаш ўзлаштирилди. Бу эса маблағни тежаб, фаолиятимизни янада кенгайтириш имконини бермоқда. Ўтган йилдан бошлаб идишлар учун қопқоқлар ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштирдик. Яъни 120 минг АҚШ долларилик замонавий технология ўрнатилиши ҳисобига йилига 3 миллион дона ана шундай маҳсулот тайёрлаш имкониятига эга бўлдик. Тез орада уларни экспорт қилишни мўлжаллаб турибмиз.

Таъкидлаш керакки, корхонада маҳсулотни харидорга етказиб беришда ҳам янгиликка қўл урилди. Яъни шаҳар ва туманларда махсус офислар ташкил этилиб, улар орқали маҳсулотларни мижозларга вақтида етказиб бериш йўлга қўйилди.

Умуман, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар соҳа вакилларига қўшимча куч бағишлаб, уларга янги имкониятлар эшигини очмоқда.

Ойбек РАҲИМОВ,
Шомурот ШАРАПОВ (сурат),
«Халқ сўзи» мухбирлари.

Долзарб вазифалар муҳокамасига бағишланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 62,5, хизматлардаги ҳиссаси 53,6 фоизга етди. Бандлик дастури доирасида яратилган 28 минг 145 иш ўрнининг 22 мингдан зиёди бевосита шу соҳа улушига тўғри келди.

Йиғилишда бир қатор туманларда белгиланган экспорт ҳажми бажарилмагани, Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналарда тайёр маҳсулот, бутловчи буюм ва материаллар ишлаб чиқариш талабга жавоб бермаётганига ҳам эътибор қаратилди.

Сурхондарё вилояти фаоллари йиғилишида ҳудуднинг саноат салоҳиятини юксалтириш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, экспорт қилиш, шунингдек, тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашувларга тўлиқ барҳам бериш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Вилоят ҳокими Б. Юсупов бошқарган йиғилишда 2015 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар натижаси таҳлил қилиниб, асосий эътибор Президентимизнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросига қаратилди. Вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати 9,7 фоизга етди. Жумладан, саноатда 15,1, қишлоқ хўжалигида 6,1, инвестицияларни ўзлаштиришда 24,1 ва қурилишда 10,9 фоиз ўсишга эришилди.

Шунингдек, 2013 — 2015 йилларда саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури доирасида 41,2 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 164 лойиҳа амалга оширилиб, 1 минг 714 иш ўрни яратилди. Жорий йилда Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ, 9 та ҳудудий тасарруфдаги корхонанинг 15 та лойиҳаси бўйича 16,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш белгиланган бўлиб, ярим йилда 5,2 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Ҳисобот даврида 55,3 миллион долларлик маҳсулот ва хизматлар экспорти амалга оширилиб, белгиланган прогноз 114,3 фоиз уддаланди. Экспорт салоҳиятини ошириш ва унинг таркибини кенгайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида экспортчи корхоналар сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 11 тага ошди ҳамда улар томонидан 41 турдаги товар ва хизматлар экспорти йўлга қўйилди. Беш хилдаги янги маҳсулот экспорти амалга оширилди.

Йиғилишда жорий йил охирига қадар саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, саноат корхоналарининг етакчи тармоқларини модернизациялаш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш дастури параметрларини бажариш каби масалаларга эътибор қаратилиб, шулар юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда эришилган ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар кўрсатилиб, уларни бартараф этиш чоралари белгиланди.

Наманган вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икрамов сўзга чиқди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Вилоят ҳокими А. Усмонов бошқарган йиғилишда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни изчил давом эттириш, иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, саноатни модернизация қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, қишлоқ хўжалигини кенг ривожлантириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш йўналишларида муайян ишлар амалга оширилгани айтиб ўтилди.

Ҳисобот даврида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати 9 фоиздан иборат бўлди. Жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 14,2, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,2, хизматлар ҳажми 12,8, чакана савдо айланмаси 16,9, пуллик хизматлар кўрсатиш 11,9 фоиз ўсди. Шуларга мос ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 41,9 фоизни ташкил этди.

Вилоятдаги мавжуд 72 та йирик саноат корхонаси томонидан жами 4,8 триллион сўмлик маҳсулотлар тайёрланди. Кичик саноат корхоналари томонидан эса 1,5 триллион сўмлик маҳсулотлар тайёрланишига эришилди.

Йиғилишда йил охиригача саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, етакчи тармоқларни модернизация қилиш ҳамда хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ҳамда чекловларни бартараф этиш, хусусий секторни янада қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, ушбу даврда эришилган ижобий натижалар билан бирга, йўл қўйилган айрим камчиликлар кўрсатилиб, уларни бартараф этиш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Тошкент вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ. Ибрагимов сўзга чиқди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
Нормурод ТЕМИРОВ,
Кудратилла НАЖМИДДИНОВ,
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

ФУРУР

Тараққиёт довони

Қатъий мақсад олдида мағрур тоғлар ҳам бош эгаркан. Яқинда "Қамчиқ" довонидан темир йўл очаётган бунёдкорлар ишини кузатиб, бунга яна бир бор амин бўлдим. Қаранг, ҳадемай, Ўзбекистонимизда яна бир афсона ҳақиқатга айланади. Осмонўпар тоғлар оралаб поезд ўтади. Бу тараққиёт сари дадил одимлаётган юртимиз забт этажак яна бир юксак довондир!

Равшанбек ЮЛДАШЕВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Андижон шаҳар бўлинмаси раиси.

Истиқлол саодати

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Кутубхона ва турли тўгараклар келажагимиз эгаларига хизмат кўрсатаяпти. Марказ ёнида қурилган мусиқали фаввора атрофи кекса авлод вакиллари ҳамда ёшлар билан гавжум. Камалакдек рангин нур таратиб, кўкка сапчиётган фавворадан салқинлик уфурса, янграётган турли куй-қўшиқлар қалбларга ором бағишлайди. Айниқса, истироҳат боғига туташ стадион, унинг яқинидаги 3 минг ўринли замонавий амфитеатр мажмуанинг кенг имкониятларини яққол кўрсатиб турибди.

Оқдарё, Самарқанд, Жомбой, Пастдарғом туманларида бўлиб ўтган шу каби учрашувларга ҳам ижодкорларнинг бир гуруҳи ташриф буюриб, обод манзилларни томоша қилдилар. Маҳаллий аҳоли вакиллари билан дилдан суҳбатлашиб, уларнинг ўй-фикрлари, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан қизиқдилар. Шунингдек, Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Бадиий академияси аъзолари, таниқли рангтасвир усталари ва ёш ижодкорларнинг расмлар кўргазмаси, элимиз ардоғидаги шоирлар иштирокида мушоира ўтказилди.

Тадбирларда вилоят ҳокими З. Мирзаев иштирок этди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Фаол, жонкуяр, ташкилотчи

Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилаётган "Йилнинг энг фаол маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари" кўрик-танловининг республика босқичи якунланди.

ТАНЛОВ

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида тизимни янада такомиллаштириш, директор ўринбосарлари орасидан илғор, ташаббускор, ижодкор ҳамда энг намуналиларини аниқлаш, уларнинг таълим мазмунини яхшилаш борасидаги иш тажрибасини оммалаштириш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирда ҳудудий босқич ғолиблари қатнашди.

Кўрик-танловга ушбу лавозимда камида 3 йиллик иш тажрибасига эга, жамоа орасида обрў-эътибор қозонган ва муайян натижаларга эришган, етакчи, фаол ҳамда ижодкор устозлар "Менинг ғоям" мавзуидаги лойиҳаларини тақдим қилдилар.

Белгиланган шартлар бўйича энг юқори кўрсаткичга эга бўлган пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 107-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Шоира Багирова биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ҳамда учинчи ўринлар Самарқанд туманидаги 2-умумтаълим мактабидан Ситора Зафарова ва Навбаҳор тумани 5-умумтаълим мактабидан Дилфуза Тилововага насиб этди.

Ғолибларга Халқ таълими вазирлигининг дипломлари ҳамда "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишонлари топширилди.

Шавкат ХЎЖАҚУЛОВ.

Электрон декларациялаш

имкониятларидан барча баҳраманд бўлмоқда

Дилафруз Камолова Бухоро шаҳрида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади. Унга божхона юк декларациясини электрон шаклда тақдим этиши мумкинлиги билдирилганида, яратилган бундай қулайликдан бениҳоя хурсанд бўлди. Негаки, гап расмийлаштирув ишларини интернет орқали амалга ошириш ҳақида кетаётганди.

ХИЗМАТ

— Президентимизнинг тегишли Фармонига мувофиқ, Товарлар божхона расмийлаштирувини электрон шаклда бажариш тартиби жорий қилинган эди, — дейди вилоят божхона бошқармасининг статистика ва таҳлил гуруҳи катта инспектори Миршод Бадалов. — Унинг ижроси доирасида "Электрон декларациялаш" ахборот тизими амалиётга татбиқ этилди. Пировардида декларациялар, товар ва транспорт воситаларига оид ҳужжатлар ҳамда ҳисоботларни божхона органларига масофадан туриб, электрон тарзда тақдим қилиш ва расмийлаштириш йўлга қўйилди.

Мутахассисларнинг эътироф этишича, электрон декларациялашнинг жорий қилиниши ишбилармонлар вақтини тежабгина қолмай, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш имконини ҳам бермоқда. У божхона қоидаларининг бузилиши олдини олаяпти. Чунончи, мазкур тизим томонидан берилган огоҳлантиришлар натижасида 150 дан зиёд тадбиркорлик субъектлари томонидан мавжуд қонунчилик талаблари бузилиши эҳтимолига барҳам берилди. Нафақат божхона юк декларацияси, балки у билан бирга топширилиши лозим бўлган сертификат, шартнома, юк-кузатув ҳужжатларининг ҳам электрон шаклда тақдим этилаётгани тежамкорликка йўл очаяпти. Айни шу қулайлик туфайли биргина ўтган йили Бухоро вилоятида тадбиркорлар томонидан икки тоннага яқин қоғоз иқтисод қилинди.

Айтиш ўринлики, давлатимиз томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларга кўрсатилаётган хизматлар кўлами ва сифатини ошириш йўлидаги ишлар изчил давом этмоқда. Хусусан, "Олот" чегара божхона комплексига 3 миллион АҚШ доллари эвазига харид қилинган замонавий мобиль инспекцион-текширув мажмуаси ажратилди. Божхона чегараси орқали ҳаракатланаётган автотранспорт воситалари ушбу сканер қурилмаси ёрдамида текширувдан ўтказилаяпти. Бу эса божхона кўриги самарадорлигини ошириш, тадбиркорлар, шу жумладан, аҳоли вақтини тежаш имконини бераётир.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

2015 ЙИЛ — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

Энг улуғ ва энг азиз айём — Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги ҳамда Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан республикамиз маданият ва истироҳат боғларида "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остида мусиқий кечалар ташкил этилмоқда.

Эзгулик тараннуми

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Нуроний" жамғармаси, "Камолот" ЁИҲ, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом ва Бобур номидаги маданият ҳамда истироҳат боғларида бўлиб ўтган ана шундай тадбирларда нуронийлар, маҳалла фаоллари, ёшлар қатнашди.

Таъкидлаш керакки, юртимизда ўғил-қизларни она-Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида камол топтиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Миллий мусиқа санъатини янада равнақ топтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳам ана шу эзгу мақсадлар рўёбига хизмат қилаётир.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори, шубҳасиз, миллий мусиқа таълимини ривожлантиришда муҳим дастурилмал вазифасини ўтамоқда. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, мамлакатимиз ҳудудлари бўйлаб замонавий қиёфага эга болалар мусиқа ва санъат мактаблари барпо этилдики, буларнинг барчаси ёшларимизнинг ушбу йўналишда пухта билим олишларига замин яратаяпти.

— Тинч ва осойишта юртга байрамлар ярашади, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Замира Суюнова. — Халқимиз фаровон ҳаёт кечираётир, юртимизнинг ҳар бир гўшаси кундан-кун чирой очмоқда. Қадим маданиятимиз ва санъатимиз ривож топаяпти. Қилаётган меҳнатимиз давлатимиз томонидан муносиб рағбатлантирилаётир. Бу барчамизни хушнуд этиш билан бирга, зиммамизга алоҳида масъулият ҳам юклайди.

Тадбирларда мустақиллигимиз, тинч ва фаровон ҳаётимиз, халқимизнинг безавол қадриятларини тараннум этувчи куй-қўшиқлар йиғилганлар, хусусан, кексаларимиз дилини хушнуд қилмоқда. Ёшлар эса мумтоз мусиқа санъатимиз билан фахрланиш, ғурурланиш ҳиссини туйишаяпти.

Дилмурод СОДИҚОВ.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 28 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:)*

1 Австралия доллари	1874,99	1 Украина гривнаси	116,66
1 Англия фунт стерлинги	3997,19	1 Малайзия ринггити	675,37
1 Дания кронаси	379,70	1 Польша злотийси	683,36
1 БАА дирҳами	701,11	1 СДР	3587,15
1 АҚШ доллари	2575,18	1 Туркия лираси	939,71
1 Миср фунти	328,89	1 Швейцария франки	2680,52
1 Исландия кронаси	19,21	1 евро	2810,56
1 Канада доллари	1975,89	10 Жанубий Корея вони	22,05
1 Хитой юани	414,72	10 Япония иенаси	208,57
1 Россия рубли	44,37		

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

ГАЙРАТ ВА ШИЖОАТ ИФОДАСИ

Бунёдкор халқимизнинг азму шижоати билан барпо этилаётган ноёб меъморий иншоотлар, замонавий кўприклар, кенг ва равон йўллар юртимиз кўркига кўрк бўлиб қўшилаётгани, шубҳасиз. Айниқса, бундай хайрли мақсад йўлида фидойилик билан меҳнат қилаётган минглаб ёшларни кўриб, уларга чин дилдан раҳмат айтасиз.

■ «БУНЁДКОР — 2015»



Мамлакатимизда йигит-қизларнинг бу жабҳадаги фаоллигини янада ошириш, уларни миллий қадриятларимизга эҳтиром руҳида тарбиялаш масалалари доимий эътиборда. Чунончи, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда бошқа қатор мутасадди идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида амалга оширилаётган "Бунёдкор" ёшлар меҳнат гуруҳлари лойиҳалари ҳам ана шундай хайрли мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Айни кунларда республикамиз олий таълим муассасаларида тузилган зарбдор меҳнат жамоаларига университет ва институт талабалари қаторида, иш билан банд бўлмаган ёшлар ҳам жалб этилган.

Хусусан, Навоий давлат педагогика институтида ёзги мавсумда ташкил қилинган "Бунёдкор" ёшлар меҳнат ҳаракати аъзолари Кармана туманида намунавий лойиҳа асосида барпо этилаётган "Чўтқара" массивида Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллик байрамини кўтаринки руҳда нишонлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

— Бу лойиҳа биз, ёшларни бирдамликка, ҳамжиҳатликка чорлайди. Касб-ҳунар сирларини янада пухта эгаллашга руҳлантиради, — дейди Навоий давлат педагогика институти талабаси Темур Рустамов. — Ишдан сўнг дам олиб, маданий ҳордиқ чиқаришимиз учун барча шарт-шароит яратилганидан хурсандман.

Айтиш жоизки, Навоий вилоятидаги бунёдкорлик жараёнида минг нафардан ортиқ талабалар, юзлаб маҳалла ёшлари фаол қатнашаяпти.

— "Бунёдкор" ёшлар ҳаракати аъзолари ўқув бинолари, талабалар тураржойлари, спорт-соғломлаштириш мажмуалари ҳамда шаҳар марказий кўчаларини ободонлаштираётир, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий вилояти Кенгаши бўлим бошлиғи Илҳом Турсунов. — Шунингдек, айрим туманлардаги фермер хўжаликларига пахта, сабзавот ва полиз экинларини парваришлашда ҳам яқиндан кўмак беришмоқда.

Мавсум давомида турли маънавий-маърифий, маданий ва спорт-соғломлаштириш тадбирлари ташкил этилаётгани, уларни рағбатлантириш мақсадида "Энг яхши меҳнат жамоаси", "Меҳнат жамоасининг энг фаол аъзоси" каби номинациялар бўйича танловлар эълон қилингани ёшларнинг интилиш ва қизиқишини янада орттираяпти.

Президентимиз мустақил фикрга эга бўлган, ўзининг кимлиги, қандай буюк зотларнинг авлоди эканини чуқур англаб етган, ён-атрофидаги воқеаларга дахлдорлик туйғуси билан яшайдиган ҳар томонлама билимли ва баркамол ёшларгина ўз халқи ҳамда Ватани шуҳратини дунёга ёйишга қодир бўлишини алоҳида таъкидлайдилар. Чиндан ҳам, бугунги кунда юксак тафаккур ва маънавият ҳар қандай ютуқ ҳамда марраларнинг асосига айланиб бораётир. Бинобарин, йигит-қизлар ўртасида фаол маънавий-маърифий иш олиб бориш, уларни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакатимиздаги улкан бунёдкорлик ишларининг қатнашчиси бўлиш каби эзгу мақсадлар ана шундай лойиҳалар орқали амалга оширилмоқда.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Муаллиф олган сурат.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

Буюк Британиянинг "EasyJet" авиакомпанияси йиллик даромади 14 фоизгача ошиши кутилаётганини маълум қилди.

Даромади ошиши кутилмоқда



Изоҳланишича, ёз мавсумида унинг хизматидан фойдаланувчилар сони сезиларли даражада ортган. Масалан, Шимолий Европа давлатлари, шунингдек, Буюк Британияда мазкур компания мижозлари бир неча баробар кўпайган. Шу боис авиакомпания "темир қанот"-лари Испаниянинг курорт ҳудудлар ҳисобланган Малага, Аликанте ҳамда Португалиянинг Фару каби шаҳарларига мунтазам қатновларни амалга оширмоқда.

Хавфсизлик тизимидаги нуқсон

"Fiat-Chrysler" автомобилсозлик компанияси АҚШда сотилган 1,4 миллион дона машинасини қайтариб олади.

Бунга уларнинг хавфсизлик тизимида муаммолар борлиги сабаб бўлди. Гап шундаки, ушбу нуқсон хакерларга мазкур автомобилларни масофадан туриб бошқариш имконини берган. Масалан, бир неча кун олдин икки нафар машҳур дастурчи компьютер орқали машиналардан бирининг хавфсизлик тизимини бузиб кириб, уларнинг двигателларини ўчириб-ёқиш, тормоз тизимини тўхтатиб қўйиш каби вазифаларни бажарган.

Соҳилда зилзила

Аляска соҳилларида кучланиши 6,9 баллга тенг зилзила юз берди.

Бу ҳақда АҚШ геология хизмати хабар тарқатди. Ер силкиниши маркази Никольский аҳоли яшаш пунктидан 103 километр жанубий-ғарбда, ўн километр чуқурликда қайд этилган. Жабрланганлар ва вайроналар ҳақида маълумот йўқ.



Сабаби номаълум

Перуда йирик йўл ҳаракати ҳодисаси содир бўлди.

Яъни сайёҳларни олиб кетаётган автобус кўприкдан тушиб кетган. Оқибатда камида 15 киши тан жароҳати олиб, жабрланганлар касалхонага ётқизилган. Шифокорлар улардан айримларининг аҳволи оғирлигини маълум қилган.

Манбада фожианинг аниқ сабаби айтилгани йўқ. Тахминларга кўра, ҳайдовчи хавфли бурилишда бошқарувни йўқотгани туфайли мазкур кўнгилсиз ҳодиса юз берган.

Воқеа юзасидан маҳаллий ҳуқуқ-тартибот идоралари текшириш олиб боришаяпти.

Муносиб таклиф

Япониянинг "Nikkei" медиа-гуруҳи "Financial Times" (Буюк Британия) газетасини "Pearson" нашриётидан 844 миллион фунт стерлингга сотиб олди.

Ушбу нашрга эгалик қилиш учун Германиянинг "Axel Springer" медиаконцерни, шунингдек, Европа ва Осиёдан бошқа инвесторлар ҳам даъвогар бўлганди. Аммо япониялик ишбилармонлар таклифи "Pearson" маъмурияти учун ҳар томонлама маъқул келган. Ўзаро келишувга кўра, газетага тегишли "Economist" журналининг 50 фоиз акцияси ушбу битимга кирмайди.

"Financial Times" 1888 йилдан бери чоп этилади. Ҳозир уни икки миллиондан кўпроқ муштарий ўқиб боради.

Самолёт қулаб тушди

АҚШнинг Висконсин штатида енгил моторли самолёт ҳалокатга учради.

Маҳаллий полиция маълумотига кўра, у "Zodiac CH601" русумида бўлиб, Кеноша округида қулаб тушган. Оқибатда учувчи ва бортидаги йўловчи ҳаётдан кўз юмган.

Фожиага нима сабаб бўлгани аниқ эмас. АҚШ федерал авиация бошқармаси мазкур иш юзасидан текшириш бошлаган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ФУРУР Орзулар бўстони

Ҳайкалтарошман. Буюк аждодларимиз сиймосини яратишга бутун борлиғимни бахш этганман. Иш жараёнида худдики улар мени қўллаб-қувватлаб, илҳомлантириб тургандай туюлаверади. Шунда менинг томирларимда уларнинг меҳри оқаётганлигини ҳис этаман.

Улуғ боболаримизга муносиб бўлиш, ушалмаган орзуларини рўёбга чиқариш — ҳар биримизнинг улуғ вазифамиз, бурчимиздир.

Сакина МУҲАММАДЖОНОВА,
«Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳибаси, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти катта илмий ходим-изланувчиси.

Тадбиркор маҳалла кўмагидан мамнун

Хўжаободлик Паҳлавон Қосимов коллежни тамомлаб, тадбиркорлик билан шуғулланишни мақсад қилганди.

■ ИНТИЛИШ

Ниятини "Шаҳрихонсой" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Тожибархон Юлдашевага айтганида, опа унга елкадош бўлди. Бўлажак тадбиркор маҳалла кафиллигида банкдан 10 миллион сўм кредит олди, адир ҳудудидаги захира майдонларидан ер ҳам ажратилди.

Астойдил иш бошлаган Паҳлавон иссиқхона ташкил этиб, гулчиликни йўлга қўйди. Эрта баҳорда етиштирган гулларини сотиб, мўмай даромад олди. Ушбу маблағ эвазига деҳқончиликни янада кенгайтирди, чорвачилик фаолиятини бошлади.

Ёш тадбиркор эндиликда йўлак қопламалари ишлаб чиқариш цехини очиб, ўзи каби ёшлар бандлигини таъминлаш ҳаракатида.

Саидаҳмад ШУКУРОВ.

Тарғибот масъулияти

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий-техник билим юртида "Гиёҳвандликка қарши кураш — долзарб вазифа" мавзуида илмий-амалий конференция ўтказилди.

■ АНЖУМАН

Тошкент ҳарбий округи ҳарбий прокуратураси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази, Божхона қўмитаси ходимлари ҳамда тегишли таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, тингловчи ва курсантлари, ҳарбий хизматчилар қатнашди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда инсоният учун энг хавфли бўлган иллатлардан бири, бу — гиёҳвандлик. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунё миқёсида 170-250 миллион одам бевосита гиёҳвандликка чалинган. Шунинг ўзиёқ бу иллат нечоғли хатарли эканини, мазкур офатга қарши биргаликда курашилмас экан, у янада авж олиб кетиши мумкинлигини кўрсатиб турибди. Шу боис мамлакатимизда гиёҳвандликка қарши изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон бу борада қатор мамлакатлар ҳамда манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб келаяпти. Айни чоғда юртимизда гиёҳвандликнинг салбий оқибатларини аҳоли, шу жумладан, ёшларга тушунтириш мақсадида турли тадбирлар ва учрашувлар ташкил этилаётир.

Тадбирда республикамизда гиёҳвандлик моддаларининг истеъмол қилиниши, уларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича тизим яратилгани, бу борада амалга оширилаётган профилактик чора-тадбирлар, ушбу иллатнинг олдини олиш ҳамда бартараф этишга қаратилган жиноий-ҳуқуқий меъёрлар хусусида атрофлича маълумот берилди. Пировардида ҳарбий хизматчилар, курсант ва тингловчилар гиёҳвандлик воситалари ҳамда психотроп моддаларнинг инсон руҳиятига таъсири, уларни истеъмол қилишнинг ҳалокатли оқибатлари ҳақида тушунчаларга эга бўлишди.

Якунда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2015 ЙИЛ 20 ИЮЛДАН 24 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг 2015 йил 10 июлдаги 01-02/12-32, 33-сонли «1975 йилдаги юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги божхона конвенциясини қўллаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2015 йил 20 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 290-2 (2015 йил 27 июлдан кучга кирди).

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2015 йил 14 июлдаги 65-сонли «Асосий воситаларни баланслардан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2015 йил 21 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1401-2 (2015 йил 27 июлдан кучга кирди).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2015 йил 3 июлдаги 1-сонли «Ўзбекистон Республикаси фойдали қазилмалари захираларини хисобга олиш ва ҳисобот балансларини тузиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2015 йил 22 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2699 (2015 йил 27 июлдан кучга кирди).

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси 2015 йил 7 июлдаги 60, 2015-22-сонли «Айрим хизматларни кўрсатаётган юридик шахслар учун фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2015 йил 22 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1594-6 (2015 йил 27 июлдан кучга кирди).

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2015 йил 15 июлдаги 26-к/к, 66-сонли «Ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ишлаётган аёлларга пенсияларни тўлиқ миқдорда тўлаш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2015 йил 22 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 748-1 (2015 йил 27 июлдан кучга кирди).

6. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2015 йил 21 июлдаги 18-мх-сонли «Хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасида давлат умумий ўрта таълим муассасаларига ўқишга кириши учун ҳужжатларни тақдим этиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2015 йил 22 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1992-1 (2015 йил 27 июлдан кучга кирди).

7. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2015 йил 10 июлдаги 118-сонли «Идоравий ва спорт ўқотар қурол ҳамда унинг ўқ-дорилари сақланадиган хоналарнинг муҳандислик-техник жиҳатдан мустаҳкамлиги ҳамда қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализацияси воситалари билан жиҳозланишига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2015 йил 23 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2700 (2015 йил 27 октябрдан кучга киради).

8. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2015 йил 29 июндаги 15, 9-сонли «Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларни сақлаш, ташиш, бериш, қабул қилиш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2015 йил 23 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2701 (2015 йил 27 октябрдан кучга киради).

9. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2015 йил 20 июлдаги 01/09-26/18-сонли «Давлат акциялар пакети (улушлари)ни ишончли бошқарувга бериш бўйича танловлар ўтказиш қоидаларининг 3-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2015 йил 23 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1410-6 (2015 йил 27 июлдан кучга кирди).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган Ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ишлаётган аёлларга пенсияларни тўлиқ миқдорда тўлаш тартиби (рўйхат рақами 748, 1999 йил 16 июнь).

Адлия вазирининг 2015 йил 22 июлдаги 237-мх-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

ЭЪЛОНЛАР

RESPUBLIKA MULK MARKAZI RMM

20 ЙИЛЛИК ВАҚТ БИЛАН СИНАЛГАН ИШОНЧЛИ ҲАМКОР!

«Respublika mulk markazi» АЖ хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидаги фуқароларни хўжалик юритувчи субъектлар устав фондидаги улушлари, автомототранспорт воситалари, асбоб-ускуналар ва кўчмас мулк ҳисобланмайдиган бошқа турдаги давлат ҳамда нодавлат мол-мулкларнинг оммавий савдоларида иштирок этишга таклиф қилади.
Телефонлар: (0-371) 228-79-52, 228-80-31. www.rmm.uz

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» АЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг 2015 йил 10 июлдаги 6-8/11-сонли буюртманомасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Халқ демократик партияси Марказий Кенгашига тегишли, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5/3-уйда сақланаётган, «Malibu» русумли, давлат рақами 01/737 ADA бўлган, 2014 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 81 393 700 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 28 август куни соат 11.00 да ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 26 август куни соат 18.00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим қилинади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika mulk markazi» АЖнинг АИТ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.
Тел.: (0-371) 228-79-52. www.rmm.uz

Гувоҳнома № 001580

1093A/17

POS-ТИЗИМЛАРИ АВТОМАТЛАШТИРИШ

Micros®
Ўзбекистондаги расмий ҳамкор



ЖИҲОЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ:

- **савдо жойлари (магазинлар/супермаркетлар);**
- **бутик, ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдоси;**
- **ресторанлар, кафе, барлар;**
- **фитнес-клублар, бильярдхоналар, боулинг ва бошқалар.**

Моноблоклар, кассалар, штрих-код сканерлари, чеклар принтерлари, савдо тарозилари.
Дастурий таъминот: Atol, Microinvest, Айтида. Автоматлаштириш «калити билан».

Маҳсулот сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

- Кичик Бешёғоч к., 86 (олдинги шаҳар ДИҲҲБ биноси қаршисида), тел.: (+99871) 200-34-34, (кўш. 850, 858), факс: 281-43-65.

www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz

1039/1.00

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

Наманганда "Глобаллашув шароитида ёшларнинг медиа-саводхонлигини ошириш" мавзуида республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.

Маънавий тарбия

фарзандларимизни миллий қадриятлар руҳида вояга етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Маънавият тарғибот маркази, Наманган вилояти ҳокимлиги ҳамда бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган мазкур тадбир Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ташкил этилди.



Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.

Анжуманда таълим тизимида медиа-саводхонлик ишларини изчил йўлга қўйиш, ушбу йўналишда тўпланган тажрибаларни оммалаштириш ҳамда соҳадаги бошқа долзарб масалалар ҳақида фикр юритилди. Жумладан, ўқувчиларда медиа-саводхонлик кўникмаларини шакллантириш, медиа-воситаларда тақдим этилаётган ахборотлардан тўғри фойдаланишга ўргатиш, ёшларда миллий менталитетимизга ёт бўлган хуружлардан ҳимояланиш иммунитетини ҳосил қилиш, узлуксиз таълимнинг барча босқичида медиа-таълим воситаларидан самарали фойдаланиш асосида юқори натижаларга эришиш сингари вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Маъруза ҳамда мунозараларда таъкидлаб ўтилганидек, бугунги тезкор даврда инсониятнинг ахборот олишга бўлган эҳтиёжи кун сайин ортиб бораяпти. Матбуот, телевидение, интернет орқали берилаётган ахборотлар оқимини ўзлаштириш учун, албатта, ҳар бир фуқаро, хусусан, ёшлардан етарли медиа-саводхонлик талаб қилинади. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимиз ахборот маконида глобаллашув ҳамда рақобатдош мафкуравий иммунитетни шакллантириш, ўсиб келаётган авлоднинг ахборот воситалари, жумладан, интернетдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш масалаларига устувор аҳамият қаратилмоқда.

— Ўқувчи-ёшларнинг медиа-саводхонлигини ошириш масаласи, чиндан ҳам, бугуни куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланган, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси ўқув-методика маркази директори Кенгесбай Сейдуллаев. — Чунки ўғил-қизларимиз кун сайин кўпроқ қизиқиш билдираётган интернет, унинг турли-туман сайтларидаги ахборотларнинг бехавотирлигига кафолот бериб бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, мактаб ўқувчиларининг медиа-воситалардан тўғри фойдаланиши масаласига жиддий эътибор бераяпмиз. Мазкур илмий-амалий семинардан олган сабоқларимиз бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришнинг қўшимча имкониятларини очиб беради, албатта.

Семинар қатнашчилари, шунингдек, Наманган шаҳридаги бир қатор таълим муассасаларига ташриф буюриб, медиа-саводхонлик бўйича амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар. Чунончи, шаҳардаги 11-умумтаълим мактабида ахборот технологияларини жорий этиш, бу ерда фаолият кўрсатаётган иккита компьютер синфи, мактабнинг веб-сайти, 8-синф ўқувчиси Алишер Хўжаевнинг ўз сайти билан вилоят танловида ғолибликни қўлга киритгани иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди.

Якунда ёшларнинг медиа-саводхонлигини оширишга қаратилган илмий хулоса ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

Илмий-амалий семинарда Наманган вилояти ҳокими Б. Юсупов сўзга чиқди.

Кудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тасвирларга кўчган эҳтиром

Бадиий ижоднинг барча турида муаллифнинг туйғулари ўз ифодасини топади. Шу боис бирор асар билан танишганда, унинг дунёқараши, кечинмалари ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиш мумкин. Пойтахтимиздаги "Баркамол авлод" республика болалар бадиий ижодиёт марказида бўлиб ўтган "Ёш қаламкаш" республика кўрик-танловини кузатиб, ёш мусаввирларнинг ички кечинмаларини ҳис этдик.



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

КЎРГАЗМА

"Баркамол авлод" республика болалар бадиий ижодиёт маркази томонидан ташкиллаштирилган мазкур танловнинг ҳудудий босқичларида икки мингдан ортиқ истеъдодли ўғил-қизлар қатнашди. Қатор мезонларга жавоб берган ўттиз нафардан ортиқ ёш ижодкорларнинг юздан зиёд асарлари танловнинг республика босқичида намойиш қилинди.

— Табиат манзараларини чизишни яхши кўраман, — дейди Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани "Баркамол авлод" маркази "Ёш мусаввир" тўгараги аъзоси Бегойим Олимжонова. — Бугунги ишларимда ҳам онашаҳримиз кўринишлари, сўлим боғ ва хиёбонлари акс эттирилган. Келажакда таниқли рассом бўлиш ниятидаман. Ишонаманки, мана шундай танловлар биз, ёшларнинг санъатга бўлган қизиқишимизни ошириб, орзуларимиз сари руҳлантиради.

Дарвоқе, ёш мусаввирларнинг расмларини томоша қилар эканмиз, ҳар бири ўз беғубор оламига эга эканлиги, уларда ота-она, азиз Ватанимизга бўлган меҳр-муҳаббат ҳислари изҳорини кузатамиз.

Дилмурод СОДИҚОВ.

АЁЛЛАР СПОРТ ФЕСТИВАЛИ

Фарғонада Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остида аёллар спорт фестивали бўлиб ўтди.

Соғлом ҳаёт гарови

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Фарғона вилояти ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда тўрт юз нафардан зиёд хотин-қиз қатнашди.



Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда аёллар спортини ривожлантириш, улар саломатлигини мустаҳкамлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишга оид бир қатор ижтимоий лойиҳалар ҳаётга изчил татбиқ қилинмоқда. Хусусан, "Спорт маликаси", "Отам, онам, мен — спортчилар оиласи", "Камолот" маликалари" каби мусобақалар ана шулар жумласидандир.

Бугунги кунда вилоятда хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзига бўлган интилиш тобора кучайиб бораётир. Буни айни пайтда ҳудудда 665 минг 500 га яқин хотин-қиз спорт билан мунтазам шуғулланаётгани ҳам кўрсатиб турибди.

Фестиваль доирасида иштирокчилар спортнинг сузиш, енгил атлетика, гимнастрада, дартс, шахмат-шашка, волейбол, стол тенниси каби турлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди.

— Маҳалламизда спортнинг гимнастрада тури оммалашаяпти, — дейди Қўштепа туманилик Наргиза Мирзаева. — Чунки мусиқа оҳанглари остида бажариладиган машқлар хотин-қизлар кайфиятини янада кўтариб, чарчоқларини чиқаришга ёрдам беради. Шу боис туманимиздаги мажмуаларда мазкур спорт тури билан шуғулланаётган аёллар сони кундан-кун кўпаймоқда.

Айтиш жоизки, спорт фестивалида уй бекаларидан тортиб, ҳамшира, педагог, тадбиркор, фермер каби касб эгалари қатнашди. Якунда турли номинациялар бўйича ғолиблар аниқланиб, ташкилотчилар томонидан муносиб рағбатлантирилди.

Набижон СОБИРОВ.

ФУРУР

Биз танлаган йўл

Бизнинг танлаган йўлимиз — ҳаққоний ва тўғри йўл. Имконият бор экан, биз фақат олға интиламиз. Зеро, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз. Шунинг учун ҳам юксак марраларни забт этаверамиз. Президентимиз, халқимиз, Ватанимизнинг биздан кутгани ҳам — айнан шу.

Жасур БОЙҚЎЗИЕВ,
тэквондо (ВТФ) бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, жаҳон чемпионати совриндори.

«Қибрай»
клиник санаторийси

юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сиҳатгоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг илғор усуллари асосида беморларни даволайдилар.

Фин, турк, япон сауналари, бассейн ва жакузи ванналари, фитобочка, инфрақизил нур билан даволаш хонаси ишлаб турибди.

Сиҳатгоҳда фитобар, теннис корти ва яна кўплаб қулайликлар мавжуд. Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган.

Ошхонада 5 маҳал парҳез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Манзилимиз:
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони. Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишли таксида «Дача» бекатигача бориш мумкин.
Тел.: (0-371) 286-01-46, 286-02-00, 286-01-97.

ТИББИЁТ

Сирдарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази реанимация бўлимида кичкинтойларнинг тана ҳароратини меъёрда сақлаш махсус ускуна ёрдамида амалга оширилмоқда.

Муолажани қурилмалар ўтказади

"КЮВЕЗ" номли мазкур қурилма ҳаво намлиги ва мўътадиллигини таъминлайди. Шунингдек, бўлимга яна бир нечта замонавий даволаш ускуналари ўрнатилди. Улардан бири бола тана ҳароратини назорат қилиши баробарида, муолажани автоматик тарзда бажарса, бошқаси муддатидан олдин туғилган чақалоқларга нафас олишда кўмаклашади. "Линомат" аппарати эса ғудакнинг ёши ва ҳолатидан келиб чиқиб, дорини зарур миқдорда жўнатади. Бу ерда физиотерапия муолажаси ҳам юқори технологиялар асосида амалга оширилмоқда.

Ушбу бўлим "Репродуктив саломатлик. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш" лойиҳаси доирасида жами 244 минг евродан зиёд қийматдаги 48 та замонавий тиббий асбоб-ускуна билан таъминланди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Реклама ва эълонлар

«TOU Ko.LTD» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси
«UNIVERSAL SERVICES of CENTRAL ASIA» хорижий корхонаси

махсус қурилиш техникаларини таклиф этади.
махсус қурилиш техникалари эҳтиёт қисмларини ва сервис хизматларини таклиф этади.

DOOSAN





www.doosaninfracore.uz

Маҳсулотлар сертификатланган, хизматлар рўйхатга олинган.

Манзил: 100039, Тошкент ш., Юнусобод т., Чинобод к., 87-уй.

Савдо бўлими
Тел.: (+99871) 200-00-27/28.
(+99890) 805-60-52/53.
E-mail: doosansales@uztow.com

Сервис хизмати
Тел.: (+99871) 200-00-26,
(+99890) 189-71-54, 968-71-79.
E-mail: servicedoosan@uztow.com

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидаги фуқароларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида ташкил этилаётган оммавий савдоларга таклиф қилади.

Сиз савдолардаги мавжуд давлатга тегишли ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектлари, уларга нисбатан ҳуқуқлар бўйича маълумотларни www.1kms.uz сайти орқали олишингиз мумкин.

Телефонлар: (0-371) 228-84-48, 200-10-01.
Факс: (0-371) 228-80-24.

Хизматлар лицензияланган.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тумани СИБ томонидан, ЖИБ Кегейли тумани судининг 2014 йил 27 мартдаги 1-136-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. Кегейли тумани, Халкабод қўрғонида жойлашган тўйхона (собиқ универмаг) биноси.
Бошланғич баҳоси — 239 969 821 сўм.

2. Нукус шаҳри, Сарбиназ мавзесида жойлашган новвойхона ва қоровулхона бинолари.
Бошланғич баҳоси — 332 543 006 сўм.

3. Нукус шаҳри, 23-кичик туманда жойлашган автобазага тегишли кўчмас мулклар мажмуа сифатида (собиқ 1-сонли автобаза).
Бошланғич баҳоси — 752 303 221 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 12 август куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 10 август куни соат 18.00.

Мазкур бинолар 2015 йил 12 август куни сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2015 йил 27 август куни соат 15.00 да бўлиб ўтади.

2015 йил 27 август куни ўтказиладиган аукцион савдосига аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 25 август куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, АТ «Турон» банки Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609003, МФО:00585, СТИР:207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил:
Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй, 2-қават.
Телефон: (0-361) 222-84-44. www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.

"Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмаси жамоаси тизимда узоқ йиллар давомида хизмат кўрсатган савдо фахрийси **Абдупаттоҳ Абдулхаевич ҲИДОЯТОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Чет эл капитали иштирокидаги "Савдогар" акциядорлик тижорат банки жамоаси бошқарув раиси биринчи ўринбосари Жабборқул Тўйчиевга падари бузруквори **ИСТАМ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 767. 75 118 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5